

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgt.uz, info@uzssgt.uz • 2015 йил 1 май • № 17 (1038)

Ислохот одимлари

ИНСОН САЛОМАТЛИГИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир

Истиқлол йилларида мамлакатимиз тиббиёт тизимини ислох қилиш борасида кенг қўламли ислохотлар ҳаётга татбиқ этилди ва бу борадаги ўзгаришлар халқаро миқёсда ҳам тан олинмоқда. Зеро, Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг фаол аъзоси сифатида истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётти. Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эмлаш, ташқи муҳит, овқатланиш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш каби йўналишларни қамраб олган лойиҳалар ана шулар жумласидандир.

Дарҳақиқат, юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан соғлом ҳамда маънан етук авлодни тарбиялаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш Давлат дастури қабул қилинди. Унинг мантиқий давоми сифатида бир қанча умуммиллий дастур ва ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонда тиббий хизмат кўрсатишнинг ўзига хос миллий модели яратилди.

Ўтган йилнинг 1 августида Президентимизнинг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда

аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниши бу борадаги ишларга янги мазмун бахш этди. Ушбу ҳужжат асосида аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда тиббий ёрдам кўрсатаётган тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини кучайтириш, замонавий ташхис усуллари жорий этиш, аёллар, болалар ҳамда ўсмирлар касалликларининг олдини олиш борасида 5 йилга мўлжалланган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

(Давоми 2-бетда).



Янги амалиёт Наманган вилояти

ЮРАК ТУҒМА НУҚСОНИ БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Наманган вилоятининг кардиология марказида кейинги пайтда энг мураккаб юрак операцияларини ўтказиш бўйича дадил қадамлар ташланмоқда.

2015 йилнинг 18 апрель куни марказ ҳаётида унутилмас санага айланди. Илк бор 27 ёшли беморда кечаётган юрак туғма нуқсонини бўйича мураккаб операция амалга оширилди. Ушбу ноёб амалиёт пойтахтимизнинг етакчи клиникаларидан бири

Кейинги уч йил мобайнида туғма юрак нуқсонини Муҳайё Дўстбоевани тез-тез безовта қилиб турадиган бўлди. Шифокорларнинг тавсиясига қараганда сўнгги чора мураккаб операцияни амалга ошириш эди. Ниҳоят, ота-она фарзандига нажот излаб, уни вилоят кардиология марказига олиб келишди.

Афсуски, наманганлик кардиологлар бу каби мураккаб операцияга журъат этолмай келишарди. Очиғи, юрак туғма нуқсонини бор катта ёшдаги беморлар операцияни ўтказиш учун асосан пойтахтимизнинг етакчи клиникаларига юборилар эди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг

буйруғига асосан ўтказилаётган «Маҳорат дарслари» доирасида академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг тажрибали кардиохирурги, профессор Ҳакимжон Аброловнинг касбдошлари билан вилоятга ташриф буюрганлиги юқорида таъкидлаб ўтилган мураккаб операция жараёнини муваффақиятли амалга оширишда айни муддао бўлди.

Профессор Ҳакимжон Абролов ва марказ бош врачлари Нуриддин Баҳриддинов, пойтахтдан ташриф буюрган ассистент Умид Муродов, анестезиолог Аҳмад Галяуддинов, наманганлик ёш жарроҳлар Аҳмаджон Очиллов,

бўлган академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази кардиохирурги, профессор Ҳакимжон Абролов раҳбарлигида муваффақиятли ўтказилди.

Мазкур операциянинг «Маҳорат дарслари» доирасида ўтказилганлиги кўп йиллардан буён юрак хасталиги билан оғриб келаётган Поп туманидаги бемор Муҳайё Дўстбоевани оғир дарддан халос этди.

Носиржон Фаниев, анестезиолог Носиржон Худойбердиев ва Фафуржон Эгамовлар ҳамкорлигидаги ноёб операция юртимиз шифокорларининг юқори малакага эга эканликларини кўрсата олди, десак муболага бўлмайди.

Хирурглар ҳар бир дақиқадан хушёрлик билан унумли фойдаланган ҳолда операция жараёнида бор билим ва маҳоратларини ишга солган ҳолда майда томирларни секин-секин, беҳад эҳтиёткорлик билан аорта устидан ажратиб, учларини берктиб боришди. Бу жараёнда электрокоагулятор аппарати

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

ОНКОЛОГИЯНИНГ ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ ТАКОМИЛЛАШУВИ

2015 йилнинг 25 апрель куни Республика онкология илмий марказида 14-16 май кунлари ўтказиладиган Ўзбекистон онкологларининг III конгресси доирасида ёш онколог-олимларнинг анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда республикамизнинг барча вилоятларидан 40 нафар ёш онколог-олимлар ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Ушбу анжуманининг ўтказилишидан асосий мақсад, дунё миқёсида йилдан-йилга онкологик касалликлар билан оғриган беморлар сони ортиб бораётганлиги ва ушбу хасталикнинг олдини олишда соҳа мутахассисларининг ҳамжихатликда иш олиб боришларига қаратилди. Онкологик беморларни ташхислаш ва даволашда қўлланилаётган замонавий технологияларнинг тақомиллашиб бориши билан бир қаторда, ушбу соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Яна шуни алоҳида таъкидлаш муҳимки, республикамизда онкологик касалликларнинг олдини олиш борасида ва ечимини кутаётган айрим муаммоларни ҳал қилишда хорижий давлатларнинг етакчи клиникалари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, улар тажрибаси мамлакатимиз тиббиёт тизимига кенг жорий қилинмоқда. Шундай экан, республикамиз тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган ёш онколог-олимларимиз чет давлатларнинг етакчи клиникаларида бўлиб, ўз билим ва малакаларини ошириб қайтмоқдалар. Шунингдек, хорижий давлатлардаги ҳамкасбларимиз ҳам юртимизда ўтказилаётган халқаро анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этиб, маҳорат дарсларини биргаликда олиб боришмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур анжумани ўтказишдан асосий мақсад, ёш онколог-олимларнинг илмий салоҳиятларини ошириш, (Давоми 2-бетда).

Ислохот одимлари

ИНСОН САЛОМАТЛИГИДАГИ ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИДИР

Айтиш жоизки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳар йили "Жаҳон саломатлик куни" муносабати билан тизимдаги масалаларни ҳал этишда мавзулар танлаб, шу бўйича шиор белгилайди. Бу йилги тадбирлар "Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги" шиори остида ўтказилганлиги ҳам инсон саломатлигига бўлган эътиборнинг мантиқий давоми, десам хато бўлмайди.

Мутахассислар хулосаларида айтилишича, хавфсизлиги кафолатланмаган озиқ-овқатлар куйидаги касалликларни келтириб чиқариши мумкин: диарея, вирусологик хасталиклар, репродуктив саломатлик ва ривожланишга тааллуқли бўлган ҳолатлар. Шунинг учун ҳам маҳсулотлар хавфсизлиги, бу – озиқ-овқатларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартидир.

Маълумотларга кўра, дунёнинг айрим давлатларида озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, уларни тарқатиш ва истеъмол қилиш жараёнида егуликлар хавфсизлигига оид турли муаммолар келиб чиқмоқда. Ишлаб чиқариш ва тақсимлаш жараёнида содир бўлаётган ўзгаришлар, масалан, улар савдосининг глобаллашуви, истеъмол қилиш шохобчалари, тезкор тановул қилиш учун кўчалардаги расталар, атроф-муҳитнинг ўзгариши, янги ва қайта пайдо бўлаётган бактерия

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳамда токсинлар, бактерияларнинг микробларга қарши қўлланилаётган препаратларга турғунлиги каби ҳолатлар захарланиш хавфини оширапти.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ахборотида кўра, дунёда диарея касаллигидан ҳар йили 1,8 миллион киши вафот этади. Бундай ҳолатларнинг аксарияти ифлосланган сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиниши билан боғлиқ. Озиқ-овқат маҳсулотларини тўғри тайёрлаш – озиқ-овқат ҳазми қилиш тизимидаги кўпгина касалликларнинг олдини олиши мумкин. Чунки икки юздан ортиқ маълум бўлган хасталиклар озиқ-овқат маҳсулотларидан зарарланиш сабабли вужудга келади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича муайян тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада тегишли ҳуқуқий пойдевор яратилган. "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги, "Ветеринария тўғрисида"ги, "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунлар шулар жумласидандир. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунида маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги – маҳсулот, уни ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), сақлаш, ташвиш, реализация қилиш ва утилизация

қилиш жараёнлари, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳолати бўлиб, бунда инсон ҳаётига, соғлигига, атроф-муҳитга, юридик, жисмоний шахслар ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ йўл қўйилмайдиган хавф мавжуд бўлмаслиги алоҳида қайд этилган.

Хабарингиз бор, ўтган йилнинг июнь ойида пойтахтимизда "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Ушбу йирик анжуманда иштирок этган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти, Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари вакиллари, қирқдан ортиқ давлатнинг етакчи эксперт ва ишбилармонлари мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган кенг қамровли чора-тадбирлар самарасини юксак баҳоладилар. Жумладан, форумнинг очилиш маросимида сўзга чиққан БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Силва: "Ишончим комилки, Ўзбекистон тўғри йўлдан бормоқда ва ўзининг шу йўлдаги саъй-ҳаракатларини давом эттириш учун жуда мустақам асосга эга", дея таъкидлаган эди. Соғлом овқатланиш, деган-



да инсоннинг фаолияти, меъерий ўсиши ва ривожланишини таъминлайдиган, унинг саломатлигини мустаҳкамлайдиган ҳамда касалликларнинг олдини олишда ёрдам берадиган жараён тушунилади. Шундай экан, кунлик овқатланиш қуввати одам сарфлайдиган энергиясига мос келиши соғлом овқатланишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Биз кўп ҳолларда сарфланадиган энергияга қараганда, овқат орқали кўпроқ энергия қабул қиламиз.

Соғлом овқатланиш қоидаларидан бири, овқатланишда ишлатиладиган маҳсулотларнинг хилма-хил бўлишидир. Бу қоидага риоя этиш тана аъзолари ва тизимларнинг меъердаги фаолиятини қўллаб-қувватлайди, саломатликни мустаҳкамлайди, айни пайтда эрта қариш, турли касалликларнинг олдини олиш ҳамда ташқи муҳитнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, халқимиз саломатлиги йўлидаги ислохотлар жараёнига дахлдорлик ҳисси билан ёндашган ҳолда фаолият юритсак, олдимизга қўйган асосий мақсадларга эришиб бораверамиз.

Зулхумор МУТАЛОВА,
Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори, тиббиёт фанлари номзоди.

Янги амалиёт

ЮРАК ТУГМА НУҚСОНИ БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

қўл келди. Аниқроғи, кесилган тўқималар куйдирилиб, қони тўхтатилди, хавф чекинди. Қон томирнинг қисилган жойи устки томони кесилиб, кенгайтириш ва сиқилган томирнинг икки томонидаги қисмига тенглаштирилган ҳолда йўғон ҳолатга келтириш учун синтетик қон томирдан 4х3 сантиметрли кичк нусха олин-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ди. Қон ўзанига туширилди, пастга бемалол оқишига йўл очилди. Ниҳоят, беморнинг юрак уриши, қон босими деярли қутулган ҳолатга кела бошлади. Электрокардиограмма мониторида тугма юрак нуқсони бартараф этилганлигига кафолат берувчи чиқиқлар кўринди...

Пойтахтлик устозу наманганлик шогирдлар мамнун кайфиятда жарроҳлик амалиёти му-

ваффақиятли яқунлангани билан бир-бирларини қутлашарди.

Бемор реанимация хонасига ўтказилди. Бир суткадан сўнг у палатага чиқарилди. Биз уни уринтирмаслик учун қисқа саволга тутдик.

– Аҳволингиз қандай?

– Жуда яхши, ҳаммаларига мингдан, минг раҳмат! – деди оғир дарддан халос бўлган йигирма етти ёшли Муҳайё Дўстбоева.

Поплик Рустамжон Дўстбоевлар оиласининг кенжаси узок йиллик тугма юрак нуқсонидан фориг бўлгани вилоят кардиология маркази ҳаётида яна бир унутилмас воқеа бўлиб қолди. Демак, бундан буён катта ёшдаги юрак тугма нуқсонидан озор

чекиб келаётган қанчадан-қанча инсонлар узокқа бориб ўтиришлариға ҳолат қолмади. Ахир, профессор Ҳакимжон Абролов марказдаги барча кардиожарроҳларга маҳорат дарси амалиётини аъло даражада ўтказиб берди.

Юртимизда ана шундай ноёб касб эгаларининг довруғи биргина юртимиз, балки хорижий давлатларда ҳам таҳсинга лойиқ эканлиги эътироф этиб келинмоқда.

Содиқ САЙХУН.

Анжуман

ОНКОЛОГИЯНИНГ ИЛМИЙ ЙўНАЛИШДАГИ ТАКОМИЛЛАШУВИ



изланишларга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда онкологик касалликларга қарши курашишнинг янги усулларини тақомиллаштиришдан иборатдир.

Анжуманни Республика онкология илмий маркази директори профессор Саримбек Наврўзов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда онкология соҳасида олиб бориладиган фаолиятларга алоҳида урғу қаратиб, бу борада эришилаётган самарали ишларга алоҳида тўхталди. Шу билан бирга, мамлакатимизда беморларга тўғри ташхис қўйиб, касалликни эрта аниқлаш ва даволашда кўплаб соҳа мутахассисларининг салмоқли ҳиссаси борлигини, бунинг баробарида ёш, етук, салоҳиятли кадрлар ишини қўллаб-қувватлаш муҳим эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Анжуман давомида ёш олим-онкологлар ўзларининг илмий изланишлари бўйича олиб бораётган мавзулари доирасида маърузалар қилдилар. Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, тингланган барча маърузалар бўйича иштирокчилар ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Анжуман сўнигида энг яхши 3 та онколог-олимнинг маърузалари танлаб олинди ва рағбатлантирилди.

Олимжон ИМОМОВ,
Шароф БОБОҚУЛОВ,
Республика онкология илмий маркази мутахассислари.



Яхшилар ёди

ҚОМУСИЙ ОЛИМ ВА ФИДОЙИ ИНСОН

Қанча умр кўрган эмас, балки ҳаётида эзгу ишларни амалга оширган кишиларнинг хотираси абадий сақланади. Яхши инсонларни ёд этиш биз тириклар олдидаги фарздир. Машҳур морфолог-қомусий олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, Беруний номидаги давлат мукофоти совриндори, жаҳонда соҳа бўйича энг обрўли Пуркинъе медали соҳиб, МДХ давлатлари анатомлари, гистологлари, эмбриологлари ассоциацияси раисининг муовини, Ўрта Осиё ва Қозоғистон морфологлари мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси, Ўзбекистон гистология мактаби асосчиси Комилжон Зуфаровнинг номини унинг замондошлари ва сафдошлари хурмат-эҳтиром билан тилга оладилар. Ўзбекистон тиббиётида ўз соҳаси бўйича катта ишларни бажарган олимнинг ёрқин хотираси олдида барчамиз бош эгамиз.

Комилжон Зуфаров Тошкентда, деҳқон оиласида туғилиб, вояга етган олимлардан биридир. 10-синфни аъло баҳолар билан тугатган Комилжон 1942 йилда, яъни Иккинчи жаҳон уруши бошланган йилларда собиқ Тошкент Давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирди. Балогат даврига етган талаба биринчи курсни тамомлай олмай, ҳарбий хизматга лаёқатли йигитлар қаторида у ҳам Ватан ҳимоясига отланиб, жанг майдонларида мардановор курашларда иштирок этди. 1945 йилда урушдан қайтиб, Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишни яна давом эттирди.

Комилжон 1951 йилда институтни имтиёзли диплом билан битириб, Москвадаги марказий психиатрия илмий-текшириш институтининг патогистология лабораториясига аспирантликка қабул қилинди. Ёш олим бу даргоҳда ўзининг ташкилотчилиги ва изланувчанлиги билан жамоада хурмат-эҳтибор қозониб, 1954 йилда фан номзодлигини муваффақиятли ҳимоя қилди. Кейинчалик – 60-йиллар бошида у ўлка тиббиёт илмий-текшириш, патогистологик ядро физикаси институтларида радиацион цитология лабораторияси мудир вазибаларида ишлади. Янгидан ташкил этилган илмий институтлар бўлгани учун бу ерга Комилжон сингари ёш мутахассислар сув ва ҳаводек зарур эди. Уни гистологиянинг замонавий илмий йўналиши нейроэндокрип кўпроқ қизиқтирарди.

К. Зуфаровнинг тиббиёт институти гистология кафедрасида мудир бўлиб ишлаган кезларини унинг дўст-бирор-

дарлари мамнун бўлиб эслайдилар. Етук олим даражасига эришган Комилжон Зуфаровнинг илмий-педагогик фаолияти 1965-1971 йилларда Тошкент Давлат тиббиёт институти ректори лавозимида ишлаши учун шарт-шароит яратди. 1966 йилда кафедра қошида у кишининг ташаббуси билан “Муаммоли клиник-экспериментал биофизик илмий-текшириш лабораторияси” ташкил этилди. Лабораторияда унинг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги билан катта илмий изланишлар олиб борилди. Кафедра ва унинг қошидаги лаборатория Қозоғистон ва Ўрта Осиё Республикалари морфологлари марказига айланди. Бу мактабда морфологиянинг барча йўналишлари учун база етарли эди. Гап шундаки, Рига ва Душанбе шаҳридаги дунёга машҳур гепатологлар илмий мактаблари, Санкт-Петербург физиологлари, Москванинг гастроэнтеролог, гистолог, анатомлари Комилжон Зуфаров мактаби билан ҳамкорлик қилдилар. Россиялик патогистолог В. Серов, анатом М. Сапин, нейрогистолог Н. Боголепов ва бошқа қардош олимлар Комилжон Зуфаров билан доимий ҳамкор бўлиб қолдилар.

Комилжон Зуфаров 60-йиллар бошиданок ўзини истеъдодли олим сифатида кўрсатиб келгани учун кенг жамоатчилик назарига тушди. Қисқа муддат ичида у киши республикада морфология фани ривожланиши учун барча имкониятларни ишга солди, бу билан тиббиётни назарий ва амалий жиҳатдан ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Ўлка институтида унинг таклифи билан очилган патогистологик лаборатория, ядро физикаси институтида вужудга кел-

ган радиацион цитология лабораторияси ҳамда нейроэндокрин гистологияга асос солиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўз атрофига иқтидорли маҳаллий ёшларни тўплаган ва уларни бир мақсад, бир маслак йўлида жипслаштирган Комилжон Зуфаровнинг ишлари бугунги кунда юксак эҳтиром билан эътироф этилмоқда.


70-80-йилларга келиб, К. Зуфаров собиқ иттифокда энг машҳур морфологлар қаторидан жой олди, дунёга танилди. Олим ва унинг шогирдлари томонидан сийдик, эндокрин, овқат ҳазм қилиш аъзолари бўйича олиб борилган фундаментал лойиҳалар бугунги тиббиётда яна ҳам ривожлантирилмоқда. Олим бошчилигида ёш мутахассислар организмда кечадиган ҳаётий жараён – филтрлаш, секреция, сўрилиш жараёнларининг ҳужайравий, субҳужайравий асосларини тўлиқ кўрсатиб бердилар. Ҳар бир жараён босқичларида иштирок этувчи нозик тузилмалар ҳақида биринчи бор аниқ маълумотлар олинди. Тузилма ва аъзоларда, касалликнинг клиник белгиларида, жарроҳлик муолажаларидан сўнг кечадиган адаптив-компенсатор жараёнларининг структуравий асослари Комилжон Зуфаров раҳбарлигида маромига етказиб ўрганилди ва унинг гоёлари тўлиқ тасдиқланди.

Комилжон Зуфаров катта талант эгаси бўлиб, илм-маърифат эгаллаш, уни тарғиб-ташвиқ этиш, тарқатиш билан ўз умрига мазмун бағишлаган фидойи инсонлардан бири эди. Қилинган ҳар бир ишнинг илмий-амалий аҳамияти нима билан ўлчанади? Олимни ҳаммаша ана шу саволнинг жавоби қизиқтирарди. Комилжон Зуфаров тиббий-биологик ва клиник кафедра ходимлари билан ҳамкорлик қилибгина қолмай, етук ва малакали ҳамкасбларидан ташкил топган гуруҳнинг хорижий олимлар билан алоқа ўрнатиши, илмий салоҳиятни янада ривожлантириши ҳақида ҳам қайғурди. Тошкентда ўтказилган бир неча илмий-назарий анжуманларда ўзининг долзарб мавзудаги маърузалари билан иштирокчилар эътиборини тортган Комилжон Зуфаровдек забардаст олимлар хорижий меҳмонлар эътиборини тортгани сир эмас.

Комилжон Зуфаров бир умр илмий-тадқиқот билан шуғулланган маърифатпарвар инсон бўлиб, изланишларини мақола, тўплам шаклига келтиришга эътибор қаратар эди. Унинг ўз шогирдлари ва машҳур чет эллик олимлар билан ҳаммуаллифликда яратган ўнлаб илмий-назарий йўналишдаги қўлланма ва рисоалари, 1000 дан зиёд илмий мақолалари нафақат мамлакатимизда, балки ривожланган давлатларнинг журналларида ҳам чоп этилган. Унинг “Гистология” дарслиги ўзбек тилида яратилган ўқув адабиёти сифатида бошқа олимларга илмий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Китобнинг учинчи нашри чиқиб, ундан бўлғуси мутахассислар ўқув жараёнида кенг фойдаланмоқдалар. Дарсликдаги ноёб схемалар ва гисторасмлар Москва ҳамда Тошкентда чоп этилган дарслик ва атласларга киритилган.

Комилжон Зуфаров раҳбарлигида 56 нафар фан доктори ва 156 фан номзоди тайёрланди. Олимнинг шогирдлари билан яратган “Чақалоқларда она сутининг буйракда парчаланиши” бўйича илмий лойиҳаси жаҳон тиббиётига катта янгилик бўлиб кирди ва Ўзбекистон морфология фани обрўсини янада ошириб юборди.

Олимнинг хизматлари давлат миқёсида эътироф этилиб, 43 ёшида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланиши бунинг ёрқин мисолидир. У киши “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвонига сазовор бўлди, қатор давлат мукофотларини олди. Комилжон Зуфаров ўндан зиёд газета-журнал тахририятларида ижодий кенгаш аъзоси, бир неча чет эл анатомлари, гистологлари, эмбриологлари жамиятлари фахрий аъзоси бўлиб келди. 1977-1987 йилларда у киши “Ўзбек миллий энциклопедияси” бош муҳаррири лавозимида ишлади ва унинг раҳбарлигида миллий энциклопедиямизнинг 14 жилди тўлиқ чоп этилди. Шу қаторда унинг фаоллигида “Ўзбекистон Республикаси”, “Тошкент”, “Сиҳат-саломатлик” энциклопедик китоблари ҳам нашр этилди. Олимнинг буюк хизматлари Беруний номидаги давлат мукофотига лойиқ кўрилгани аслида улкан тарихий ҳодисадир.



Олимга нисбатан ўз даврида ишонч ва ҳурмат шу даражада юксак эдики, унинг номи фақат мамлакатимиз доирасида эмас, балки собиқ иттифоқ миқёсида ҳам машҳур эди. У Тошкентда яшаса-да, иттифоқ академияси ишчи гуруҳининг бошлиғи эди. К. Зуфаров узоқ йиллар Ўзбекистоннинг тиббиёт йўналишида Европа мамлакатлари билан дўстона муносабат ришталарини боғлаши учун қўлидан келган хизматларини аяган эмас. 1987-1992 йилларда К. Зуфаров Республика Фанлар академиясининг “Фан ва турмуш” илмий-оммабоп журналида бош муҳаррир лавозимида ишлади. Олим бош муҳаррир бўлган йилларда ушбу нашр илм-фан ютуқлари тарғиботини янада кучайтириб, муштарийлар дид ва эҳтиёжига мос мақолаларни эълон қилувчи нуфузли журналлардан бирига айланди.

Ҳа, яхшилар ҳақида ҳар қанча сўзласак, ҳар қанча ёзсак-да кам. Ўзбекистон тиббиётининг тамал тошини қўйган забардаст олимлардан бирининг ҳаёт йўлини мўъжзагина мақолага сифдира олмай-миз. Зеро, яхши инсонлар ёдини улар қолдирган илмий мерос, ишларини давом эттираётган шогирдлари тимсолида кўриш ва тан олишга ўзимизни бурчли, деб биламиз.

Шавкат КАРИМОВ,
Тошкент тиббиёт академияси ректори,
профессор,
Эркин ТУРСУНОВ,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти профессори.

Эътибор

БИТИРУВЧИЛАРНИНГ ИШ ЖОЙИ АНИҚ



Фаргона вилоятидаги Бувайда тиббиёт коллежида 1 минг 100 нафардан зиёд ёшлар ҳамширалик иши, даволаш иши, фармацевтика, лаборатория-диагностика иши йўналишларида сабоқ олмоқда.

Замонавий ўқув ва лаборатория хоналари, ахборот-ресурс маркази, махсус амалиёт хоналари ўқувчиларнинг пухта билим олишига хизмат қилаётир.

Жорий ўқув йилида коллежни 337 нафар ўқувчи битиради. Уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳудуддаги тиббий муассасалар ва ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузилган.

Муқимжон ҚОДИРОВ
олган суратлар.
(ЎЗА).



Анжуман

МАҚСАДИМИЗ ЯҒОНА: ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ

Бу Ўзбекистон врачлар ассоциацияси йиллик ҳисобот йиғилишининг шиоридир

Халқимиз саломатлигини асраб-авайлаш, умрини узайтириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини йўлга қўйишдек серқирра вазифалар ижросида Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг ҳам ўз ўрни ва иштироки бор. Яқинда бўлиб ўтган ассоциациянинг ҳисобот йиғилишида унинг раиси А. Худайбергандов маъруза қилиб, инсон саломатлигини муҳофаза қилишга ҳукумат даражасида эътибор қаратилаётганини, тиббий ислохотларни амалга оширишда ассоциацияга аъзо бўлган шифокорларнинг ўрни сезиларли бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Аҳоли саломатлигини сақлашнинг барча йўналишларида ўз ўрнини топиб олган врачлар ассоциациясининг ўтган давр мобайнидаги фаолиятида қувонарли натижалар қўлга киритилди.

ассоциациянинг Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Андижон вилоят бўлимлари раислари, жами 6 нафар вакилларимиз Сеул шаҳрида Био-Корея номли конференцияда иштирок этди ва Корея давлатининг соғлиқни сақлаш тизими билан танишиш имконига эга бўлдилар. Ассоциация президиуми аъзолари Туркия, Македония ва Қозоғистон Республикаларида ўтказилган конференцияларда ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Тўртинчи йўналиш врачлар малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш жараёни билан боғлиқдир. Ассоциациянинг 2014 йилдаги иш режасига кўра, Урганч шаҳрида 2014 йил “Соғлом бола йили”га бағишланган “Аҳолининг касалланишига таъсир қилувчи хатарли омиллар ва уларнинг олдини олишнинг долзарб масалалари”га бағишланган ҳудудий илмий-амалий конференция ўтказилиб, унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг 300 дан ортиқ умумий амалиёт шифокорлари, турли ихтисосликдаги врачлар қатнашиб, сўнги тиббий янгиликлардан бохабар қилинди.

Врачлар малакасини ошириш тизимида масофадан ўқитиш дастуридан фойдаланиш Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бюллетени журналида 2010 йилдан бошлаб жорий қилинган, ҳозиргача 1000 дан ортиқ врач бунга жалб этилган катта ютуғимиздир. Қолаверса, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 237 нафар врач бепул ўқитилиб, сертификат билан тақдирлангани МДХ давлатлари орасида Ўзбекистоннинг тиббиёт йўналишида катта ютуқларга эришяётганини кўрсатади.

Бешинчи йўналиш нашриёт-матбаа фаолияти бўлиб, ассоциациянинг барча тармоқлар бўйича амалга ошираётган ишларини оммавий ахборот воситалари ҳамда “Ўзбекистон врачлар ассоциацияси бюллетени”да кенг ёритиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу нашр 2014 йилда 4 мартаба чоп этилди. Журналда этика, деонтология, ҳуқуқ масалалари, долзарб шарҳлар, тиббиётдаги бизнес мавзулари ёритилиб борилмоқда. Журнал ОАК рўйхатига киритилган бўлиб, унинг саҳифаларида тиббий мавзудаги илмий мақолаларга кенг ўрин ажратилмоқда. Журнал муштарийлари сони 2014 йилда 9000 кишидан ошди. Врачлар ассоциациясининг яна бир нашри – “Ўзбекистон умумий амалиёт шифокорлари ахборотномаси” журналининг республикамизда кўп учрайдиган касалликларни даволаш услублари тўғрисида эълон қилаётган мақолалари кўпчиликлари манзур бўлмоқда. Ҳар иккала нашрнинг аудиториясини янада кенгайтириш, долзарб характердаги илмий-назарий мақолаларни эълон қилишга аҳамият беришимиз керак. Ассоциация фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот этиш ҳам муҳим

вазифалардан ҳисобланади. Ассоциациянинг мустақил сайти (www.avuz.uz)га унинг фаолияти тўғрисидаги барча маълумотлар киритилган бўлиб, қизиққан шахслар танишиши мумкин. 2013 йилда сайт фаолиятдан унумли фойдаланиш мақсадида масофадан ўқитиш онлайн дастури ишлаб чиқилди. Бу дастур врачларга интернет орқали малака оширишлари учун ёрдам беради. Ушбу дастур билан сайтимиз орқали 1500 дан ортиқ

Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров Ўзбекистон врачлар ассоциацияси олдида турган энг муҳим устувор вазифаларга тўхталиб, жумладан шундай деди: – Ассоциация Ўзбекистон мустақиллиги йилларида ўз ўрни ва мавқеини топиб олган нуфузли ташкилотлардан бирига айланганини алоҳида таъ-



– Ўзбекистон врачлар ассоциацияси аъзолари сони 2014 йилда 34000 нафарга етиб, жамоа тарзида аъзо бўлган бўлимлар сони ҳам анча ошди, – дея таъкидлади маърузачи. – Ассоциация президиуми қошида аниқ фаолият йўналишларида эга бўлган 9 та кўмита мустақил тиббиёт экспертиза марказидан ташкил топган. Унинг 2014 йилдаги фаолиятида қуйидаги йўналишларга доимий диққат-эътибор қаратилди:

Биринчи йўналиш, ассоциация аъзоларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Мазкур масала ассоциация низомида қайд этилган бўлиб, бунга кўра, махсус юридик хизмат ташкил қилинди. Хизмат фаолиятини йилдан-йилга такомиллаштириб бориши лозим. Барча вилоят бўлимларининг низомлари тасдиқланиб, ҳудудий адлия бошқармалари томонидан қайта рўйхатдан ўтказилди.

Иккинчи йўналиш ассоциациянинг жамоа шаклидаги бўлимлари, кўмиталар ва президиум томонидан амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштиришдан иборат бўлиб, ўтган йили жами 303 та тадбир, яъни 94 та семинар, 13 та конференция, 45 та ҳомийлик акцияси ва тор доирадаги кўплаб тадбирлар ўтказилди. Яқин кунларда Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг отоларингологлар бўлими ўз съездини ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда.

Врачлар ассоциацияси яқинлашиб келаётган “Хотира ва қадрлаш кўни”да Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган фахрий, ёрдамга муҳтож, ёлғиз, касалманд врачларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни режалаштирган. Бу йўна-

лишда 2014 йилда Тошкент шаҳридаги 30 нафар фахрий врачга тегишли миқдорда ассоциация ҳисобидан моддий ёрдам ажратилганини таъкидлашимиз ўринлидир. Шунингдек, “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларга ҳамоханг тарзда 100 ёшга яқинлашиш арафасида турган фахрий врачлар билан ёш шифокорлар учрашувини йил охирига қадар барча ҳудудларда ўтказиш мўлжалланмоқда.

Врачлар ассоциациясининг бешинчи конференциясига тайёргарлик ишлари бўйича президиум аъзолари ўзларига бириктирилган вилоятларга бориб, ҳудудий анжуманларни ўтказишда иштирок этишди. Жорий йилда президиум томонидан вилоят бўлимларининг фаолиятини бир қадар жонлантириш мақсадида янги иш режаси тасдиқланиб, вилоят бўлимларига юборилди.

Учинчи йўналиш ассоциациянинг хорижий давлатлар билан халқаро ҳамкорлигини йўлга қўйишдир. Ассоциация Европа давлатларидаги ҳамкасблари билан яқиндан алоқа ўрнатиб келмоқда. У Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти форумига аъзо бўлиб, ҳар йили ўтказиладиган йиғилишларда иштирок этиш, ташкилот олдида турган умумжаҳон муаммоларини ўрганиш ва зарурий тавсияларни мамлакатимиз тиббиёт муассасаларига етказиш масаласини ҳал қилиб келмоқда. Ўтган йили Сербиянинг Белград шаҳрида ўтказилган халқаро форумда врачлар малакасини ошириш, тамаки, алкоголь маҳсулотлари истеъмолига қарши курашиш масалалари муҳокама этилди. Бой таассурот билан форумдан қайтган врачларимиз унда илгари сурилган эзгу ғояларни тарғибот қилишга бош-қош бўлмоқдалар.

Корея Республикаси соғлиқни сақлаш индустриясини ривожлантириш институти билан ўрнатилган меморандумга биноан,



шифокор танишиб чиқди. 400 дан ортиқ врач бу сайтда рўйхатдан ўтиб, ўз билим даражасини синаб кўришмоқда.

Ассоциациянинг ҳудудий бўлимлари иш фаолиятини янгилаш, уларнинг аҳоли саломатлигини сақлашдаги фаол иштирокини таъминлаш масаласи биринчи ўринда туради. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сурхондарё, Самарқанд, Сирдарё, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Хоразм вилоятларида маҳаллий врачларнинг 50 фоиздан ортиги ассоциацияга аъзо бўлишган. Қолган вилоятларда ҳам аъзолар сонини кўпайтириш керак.

Ассоциациянинг вилоят бўлимлари фаолиятини баҳолашга янгича ёндашув вужудга келди. Врачлар ассоциациясининг ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда устувор йўналишдаги 9 та стандарт ишлаб чиқилди. Бунга асосан, вилоят бўлимларининг фаолияти аниқланди. Бундан буён вилоят бўлимлари фаолиятини баҳолашда ушбу стандартдан фойдаланилади. Барча стандартлар долзарб бўлса-да, Ўзбекистон врачлар ассоциацияси президиумининг 2015 йил 26 январь 2-сонли қарорига асосан, навбатдаги кенгашга қадар барча вилоятларда “Аудиторлик текшируви”ни ўтказиш ва натижаларини ҳисобот маърузасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё вилоятларида “Аудиторлик текшируви” ўтказилиб, қолган вилоятларда бу масалага масъулиятсизлик билан қаралмоқда.

Ҳисобот йиғилиши якунида врачлар ассоциацияси фахрийлар кўмитаси раиси Эркин Турсунов 2015 йил – «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган муҳим ишларга тўхталиб ўтди.

Хулқар КУЗМЕТОВА.

O'zbekiston
RespublikasiJahon
banki

«Salomatlik-3»

loyihasi №2

Проект

«Здоровье-3»

Узлуксиз касбий малака

Тошкент шаҳри

КАСБИЙ МАЛАКА САЛОҲИЯТИ ОШИРИЛМОҚДА

Республикамизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб боришида бирламчи тизимда фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг алоҳида ўрни борлиги ишлар самарадорлигида ўз ифодасини топмоқда. Албатта, бу борада давлатимиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек, «Саломатлик-1, 2, 3» лойиҳалари ва бир қанча хал-

қаро ташкилотларнинг ҳамкорликдаги фаолиятлари катта роль ўйнамоқда. Айниқса, кадрлар масаласига бўлган эътибор, жумладан, узлуксиз таълим жараёнлари мунтазам тарзда олиб борилаётганлиги биринчи навбатда мутахассиснинг билим ва тажрибасини ошириш билан бирга, тизимда эришилаётган ютуқларга муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

лаш-профилактика муассасаларида аҳолига мақсадли ва юқори технологияларга асосланган тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш;

- шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари марказий шифохона ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларни замонавий

таъбирдаги «Кишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритиб келаётган умумий амалиёт шифокорларининг узлуксиз касбий малакасини ошириш тўғрисида»ги 402-сонли буйруқлари ижроси бўйича фаолиятлар янада жадаллик билан давом этмоқда. Яна шу ўрин-



Шу ўринда таъкидлашимиз муҳимки, республика тиббиёт муассасаларида хизмат қилаётган соҳа мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ўз малакаларини ошириб бораётганликлари, уларнинг таҳсил олишлари учун барча шароит ва имкониятларнинг замонавий тарзда яратилганлиги ҳамда барча кафедраларда тингловчиларга тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан дарслар олиб борилиши, бу албатта, келгусидаги муваффақиятларга замин яратиш келмоқда. Шунингдек, мазкур фаолиятлар қаторида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Саломатлик-1, 2, 3» лойиҳалари асосида ташкил этилган ўқув курси ва семинарлар асосан бирламчи тизимда меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари малакасини оширишда алоҳида ўринга эга бўлаётганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Маълумки, бирламчи тизим, яъни кишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда

иш олиб бораётган соҳа мутахассислари умумий амалиёт шифокори мақомига эга бўлганликлари аҳоли орасида касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш, олдини олиш ҳамда тиббий хизмат сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. «Саломатлик-1» лойиҳаси фаолият бошлаган кунлариданоқ режага мувофиқ тиббиёт олий ўқув юртлари қошида «Умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш» ўқув марказлари ташкил этилиб, унда республика миқёсидаги кишлоқ врачлик пунктларидаги шифокорлар 10 ойлик ўқув курсида таҳсил олиб, умумий амалиёт шифокори лавозимида иш жараёнларини бошлаб юбордилар. «Саломатлик-2, 3» лойиҳалари доирасида ҳам мазкур ўқув жараёни давом этиб келмоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик» лойиҳаси доирасида ўқув ишларининг қамрови кенгайиб, узлуксиз касбий таълим жараёнларининг мунтазамлиги давом этиб келмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ва «Саломатлик-3» лойиҳаси ҳамкорлигида давом этиб келаётган узлуксиз касбий таълим бўйича тренерлар тайёрлаб келинаётганлиги жойлардаги соҳа мутахассисларини умумий амалиёт шифокори даражасига етказишда катта аҳамият касб этмоқда. Бу уларни нафақат умумий амалиёт шифокори, балки тиббиётнинг кундалик янгиликларидан бохабар қилиш ҳамда ўз устида тинимсиз иш олиб боришларини тақозо этади. Оммавий тарзда олиб борилаётган мазкур узлуксиз таълим жараёни бугунга келиб ўз натижасини бермоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт ассоциацияси билан молиявий ҳамкорликда «Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш («Саломатлик-3») лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1614-сонли Қарори қабул қилинган бўлиб, лойиҳада қуйидаги мақсадлар устувор вазифа қилиб белгиланган:

- бирламчи бўғиндаги даво-

ва юқори технологияларга асосланган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

- тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган шифокорларнинг назарий ва амалий кўникмаларини бойитиш мақсадида уларни қайта тайёрлаш, қисқа муддатли ўқув курсларида каскад методида узлуксиз касбий таълимга ўқитиш.

Шундай экан, лойиҳанинг асосий босқичларидан бири тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган шифокорларнинг билим ва малакасини ошириш мақсадида узлуксиз касбий таълим бўйича қисқа муддатли ўқув семинарларининг изчиллик билан олиб борилаётганлиги айни муддао бўлмоқда. Албатта, бу жараёнлар ўз-ўзидан амалга ошаётгани йўқ. Бунда давлатимизнинг соҳага оид қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги «Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 91-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 11 сен-

да таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 26 мартдаги буйруғига асосан 3 кунлик ўқув семинарида таҳсил олаётган тингловчиларга сертификат берилиши, бу албатта, уларнинг аттестациядан ўтиш жараёнларида инobatга олиниши УАШларнинг меҳнатига бўлган эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Биринчи навбатда юқоридаги фаолиятлар самарадорлигини белгилашда шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларида ўқув хоналари ташкил этилиши, мос бўлган ўқув қўлланмалари ҳамда зарурий жиҳозлар билан таъминланиши зарур. Бугунги кунда кўплаб туман тиббиёт марказлари қошида врачлар ва ҳамширалар ўқув хоналари мавжуд бўлиб, узлуксиз ўқув жараёнларини олиб бориш учун барча шароитлар яратилган. Айниқса, кейинги йилларда лойиҳа асосида бир қанча йўналишда туман тиббиёт бирлашмаси, оилавий поликлиника шифокорлари ҳамда ўрта тиббиёт ходимларидан (Давоми 6-бетда).



Махмуд МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳри Яшнобод тумани,
«Янгиобод» маҳалласи фуқароси:

– Яқинда Яшнобод туман кўп тармоқли марказий поликлиникада чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтдим. Мустақиллигимиз шарофати билан бундай замонавий шифо масканларининг барпо этилаётганлиги биз қарияларни ниҳоятда хурсанд этмоқда. Поликлиника ичкарасига киришингиз билан тозалик, озодалик, шифокор ва ҳамшираларнинг илиқ муомаласи, ўриндиқларнинг бежиримлиги эътиборингизни тортади. Айниқса, поликлиника худуди ёнида жойлашган кўкамзорлаштирилган сўлим боғнинг гўзаллиги инсон кайфиятини кўтаради. Шунингдек, шифокорларнинг тўғри ташхис қўя олиши, ҳамшираларнинг зукколик билан даво муолажаларини бажаришлари ўз касбининг фидойилари эканлигини кўрсатиб турибди. Юртимизда шу каби шифо масканлари кўпаяверсин. Бахтимизга Юртбошимиз омон бўлсинлар.

тренерлар тайёрлаш бўйича қисқа муддатли ўқув семинарининг ташкил этилганлиги муҳим аҳамият касб этди. Тренерларнинг шифокорларга мазкур йўналишлар бўйича бераётган сабоқлари уларга умумий амалиёт шифокори вазифасини бажаришда ўз самарасини бермоқда.

Куни кеча мазкур меъерий ҳужжатлар ижросининг амалдаги ҳолати билан танишиш мақсадида Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги кўп тармоқли марказий поликлиникалар ҳамда Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги Қибрай ва Зангиота туманларидаги кўп тармоқли марказий поликлиникаларда бўлиб, у ердаги ўқув хоналарида ташкил этилаётган ўқув семинари жараёнлари билан танишиб қайтдик.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли Яшнобод туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида бўлар эканмиз, аввало, у ердаги соғлом муҳит, айниқса, замонавий қад кўтарган шифо масканининг ички ва ташқи кўриниши диққатимизни ўзига тортди. Бир қарашда ушбу шифо маскани хоржий давлатлардаги тиббиёт муассасаларидан қолишмайди. Шунингдек, врач қабулига навбат кутиб турган фуқаролар учун махсус ўтириш жойлари мавжудлиги, тиббиёт ходимларининг муомаламаданияти бизни бефарқ қолдирмади...

Мазкур марказий поликлиника тасарруфидаги ўқув хонасига кириб борганимизда, Яшнобод туманидаги оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган врачлар узлуксиз малакаларини ошириш бўйича уч кунлик ўқув семинарида қатнашаётганликларининг гувоҳи бўлдик.

Ўқув хонаси ўзига хос дид билан жиҳозланган бўлиб, тингловчилар учун барча имкониятлар яратилган. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан эндокринология, офтальмология, отоларингология, терапия, педиатрия, антинатал парваршиш, репродуктив саломатлик, онкология, хирургия каби йўналишлар бўйича тренерлар тайёрланган эди. Анча йиллардан буён тайёрланган тренерлар жойларда қисқа муддатли ўқув

(Давоми. Боши 5-бетда).

семинарларини ўтказиб келмоқдалар. Яна шуниси диққатга молиқки, ўқиб кетган ҳар бир тингловчи фаолияти уч ойдан сўнг таҳсил олган тренери назоратида бўлиб, улар томонидан мониторинг ишлари олиб борилмоқда.

Дарс жараёнларини кузатар эканмиз, «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасида ўз билим ва тажрибасини бир ҳафта давомида ошириб қайтган **Яшнобод туман кўп тармоқли марказий поликлиниканинг офтальмолог-врачи Миссиря Абдуллаевани суҳбатга тордик.**

– 2014 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Саломатлик-3» лойиҳа-



си доирасида ўтказилган олти кунлик ўқув семинарида иштирок этиб, офтальмология йўналишида билим ва кўникмаларимни бойитдим. Тажрибали мутахассислар томонидан кўз касалликлари диагностикаси, даволаш усуллари, янги тиббиёт асбоб-ускуналарини қўллаш каби муҳим маълумотларга эга бўлдик. Ўқув жараёнида барча услубий қўлланмалар тасдиқланган дастур асосида олиб борилиши, шунингдек, касалликларнинг диск вариантлардаги кўринишлари ҳамда интерфаол тарзда ўтказилган амалий машғулотлар бизга манзур бўлди. Мен ҳам бугунги фаолиятимда олган билим ва тажрибаларимни қўллаш билан бир қаторда, тренер сифатида Яшнобод туманидаги барча оилавий поликлиникаларда меҳнат қилаётган умумий амалиёт шифокорларига «УАШ амалиётида офтальмология масалалари» мавзусида уч кунлик ўқув семинарлари ўтказиб келмоқдаман. 2015 йилнинг февраль ойида бирин-

КАСБИЙ МАЛАКА САЛОҲИЯТИ ОШИРИЛМОҚДА

чи гуруҳ тингловчиларига мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда офтальмологиянинг долзарб муаммолари ва усуллари бўйича машғулотлар олиб бордим. 2015 йилнинг 28-30 апрель кунлари иккинчи гуруҳ (10 нафар) тингловчилари машғулотларда қатнашдилар. Шу ўринда айтишим жоизки, улар ўқув хонасида назарий билим олиш билан бирга, поликлиникага кўз касаллиги бўйича мурожаат қилган беморларни қабул қилдилар. Ўқув марказида узлуксиз тарзда яъни режага мувофиқ олиб борилаётган бундай ўқув семинарлари қандай самара бераётганлигини назорат қилиш мақсадида уч ойдан сўнг тингловчилар фаолият юритаётган тиббиёт муас-



саломатлик, консультация олиб боришнинг турлари (аҳоли орасида ва яқка тартибда) мавзусида тингловчиларга чуқур маълумотлар бериб борилди. Барчамизга маълумки, давлатимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган қарорларда асосан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатлик масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, репродуктив ёшдаги аёллар, ўсмир қиз ва болалар орасида чуқурлаштирилган тиббий кўриklar доимий равишда олиб борилаётганлиги, шу билан бирга, аҳоли орасида ўтказилаётган тарғибот ва ташвиқот ишларининг кучайтирилаётганлиги сабабли, бу йўналишдаги ишларда ижобий натижалар кузатилмоқда. Дарс жараёнларида «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан тақдим этилган услубий қўлланмалар ҳамда дискларга кўчирилган касалликка оид мавзулар ва расмлардан унумли фойдаланилди. Ўқув хонасининг Учтепа туман кўп тармоқли марказий поликлиникада иш олиб бориши, бу албатта, ўқув семинарида иштирок этаётган амалий тажрибаларини бойитишда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган йилги тингловчиларимизнинг фаолиятларини баҳолаш мақсадида улар иш олиб бораётган шифо масканларида бўлиб, мониторинг қилиб бордик. Натижаларга кўра, умумий амалиёт шифокорининг бу борадаги билим ва тажрибалари ошиши билан бирга мавжуд камчилик ҳам аниқланиб, керакли тавсия ва маслаҳатлар берилди. Жорий йилда таҳсил олган 21 нафар тингловчилар (УАШ)нинг ҳам ўқув семинарида олган билимларини мониторинг қилиш режалаштирилган. Бундай касбий таълимни ошириш мақсадида ўтказилаётган семинарларнинг аудиторияси кундан-кунга кенгайиб бораётганлиги, албатта, қувонарли ҳолдир. Тиббиёт шундай соҳаки, унинг қирраси ниҳоятда кенг, доимо янгилиниб туриши керак.

нишдик. Ҳар йилги режага мувофиқ, умумий амалиёт шифокорларининг касбий малакасини ошириш мақсадида ўтказилаётган семинарлар ҳисоботини кўздан кечирдик. Бош координатор ўз ишига масъулият билан ёндошаётганлиги ва ишларни тўғри ташкил қилаётганлиги кўриниб турибди. **Шу жараёнда Учтепа туман 26-оилавий поликлиниканинг гинеколог-врачи, туман миқёсида репродуктив саломатлик бўйича тренер Махфуза Тоштемирова фикрларини тингладик.**

– 2014 йилнинг апрель ойида «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасидаги олти кунлик ўқув семинарида иштирок этиб, бугуннинг муҳим мавзуларидан бири бўлган репродуктив саломатлик борасида билимларимни бойитиб, тренер бўлиб қайтдим. 2014 йилда Учтепа туман тиббиёт бирлашмасига қарашли оилавий поликлиникаларда фаолият олиб бораётган 105 нафар умумий амалиёт шифокорларига «Репродуктив саломатликнинг долзарблиги» мавзусида машғулот ўтган бўлсам, жорий йилда 21 нафар УАШлар ҳам бу борадаги билимларга эга бўлдилар. Дарсларимиз асосан тасдиқланган дастур асосида олиб борилди. Асосан, дарс жараёнларида репродуктив саломатлик концепцияси, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, ўсимирларда репродуктив

Шунингдек, Тошкент шаҳар Олмазор туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ҳамда Сирғали туманидаги 2-оилавий поликлиникадаги ўқув хоналари фаолияти билан танишув чоғида қайта таъмирлаш ишлари кетаётганлиги ва тез кунларда бу жараён ўз ниҳоясига етказилиб, узлуксиз таълим жараёнлари давом эттирилишидан хабар топдик.

Тошкент вилояти

КАСБИЙ МАЛАКА САЛОҲИЯТИ ОШИРИЛМОҚДА

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли бўлган Қибрай туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги Қибрай туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси тўғрисида ижобий фикрларни айта оламиз.



Бундан бир неча йил аввал, Қибрай туман тиббиёт бирлашмасида бўлганимизда, шифо масканининг ниҳоятда таъмирга муҳтож бўлиб қолганлиги, шунингдек, мавжуд аппаратларнинг эскириб кетганлигини кўриб,

ўқув семинаридаги машғулотларни кузатиш баробарида тренер ҳамда тингловчиларнинг (УАШлар) фикрлари билан ўртоқлашдик.

Қибрай туман тиббиёт бирлашмаси бош офтальмологи



кайфиятимиз тушиб кетган эди. Куни кеча ушбу шифо масканига борганимизда, эски шифоҳона ўрнида янгича қиёфа кашф этган замонавий тиббиёт муассасасини кўриб, баҳридилимиз очилди. Аввало, дарвозадан кираверишда ҳудуднинг ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилганлиги ва анвойи гулларнинг очилиб турганлиги ҳар бир киши қалбига завқ бағишлайди. Жумладан, туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ичкарасига кирганимизда, жаҳон андозаларига мос равишдаги муассаса шароит ва имкониятларидан баҳраманд бўлаётган аҳолини кўриб, ҳавасимиз келди. Айниқса, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишда "Саломатлик-3" лойиҳаси томонидан берилган рентген аппарати, ЭКГ, УЗИ, гастродиброскоп, стоскоп, офтальмоскоп каби тиббий асбоб-ускуналар ҳамда совутич ва музлаткичлар мавжудлигини кўрдик. Бу албатта, давлатимиз томонидан ҳар бир фуқаро соғлиғига қаратилган эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси эканлигига яна бир бор амин бўлдик...

Мазкур поликлиникадаги ўқув хонасида қисқа муддатли

Давоми. Боши 6-бетда.

Сергей Бекметов олиб бораётган дарс машғулотларини бироз тинглагач, тренердаги касбий маҳорат ва мавзу доирасидаги маълумотларни содда ва тушунарли тарзда тингловчиларга етказиётганлиги унда тренерликка хос қобилият борлигидан далолат бериб турарди.

– Аввало, давлатимиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ўз миннатдорлигимизни билдираемиз. Айниқса, тиббиёт ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлаш, шу билан бирга, инсонлар саломатлигига бўлган эътиборни ошираётганликлари эътирофга лойиқдир. Кейинги йилларда кадрлар масаласида кенг имкониятлар йўлга қўйилганлиги соҳа мутахассислари билим ва тажрибасини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Тиббиёт ходимларини ўз жойларида ўқитиш, уларни ҳар томонлама, яъни иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш омилидир. 2014 йилнинг сентябрь ойида "Са-



Шухрат МАЛЛАЕВ,
Қибрай туман тиббиёт бирлашмасига қарашли "Яланғоч" қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори:

– Мана, уч йилдирки, "Яланғоч" қишлоқ врачлик пунктида умумий амалиёт шифокори вазифасида ишлаб келмоқдаман. Тошкент педиатрия тиббиёт институтида ўқиб, умумий амалиёт шифокори мақомига эга бўлдим ва мазкур ҚВПда фаолият бошладим. Бирламчи тизимда иш-



лашнинг ҳам ўзига хос томонлари жуда кўп. Айниқса, бу фаолият аҳоли билан чуқур иш олиб боришни талаб этади. Ёш кадр си-

кейин ҳам қолган йўналишлар бўйича ўз билимларимни ошириб, халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қиламан.



фатида мамнунлик билан айтмоқчиманки, туманларнинг чекка ҳудудларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ошириш учун яратилган шарт-шароитлар, айниқса, узлуксиз таълим жараёнларининг мунтазамлиги ҳамкасблари-

Зайнура МЎМИНОВА,
Қибрай туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори:
– Олти йилдан буён ушбу марказий поликлиникамизда



миз билан ўзаро фикр ва тажриба алмашишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Саломатлик-3" лойиҳаси ҳамкорлигида олиб борилаётган қисқа муддатли ўқув семинарлари биз каби умумий амалиёт шифокорлари билимини янада мустаҳкамламоқда. 2014 йилда эндокринология, хирургия, педиатрия, репродуктив саломатлик каби йўналишлардаги ўқув семинарида иштирок этган эдим. Мана, бугун "УАШ амалиётида офтальмологиянинг долзарб масалалари" мавзусидаги ўқув семинарида қатнашмоқдаман. Яна бир қувончли хабарни эшитдик. Жорий йилда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруғига асосан, мазкур ўқув семинарларида иштирок этиб, билимларимизни оширганлигимиз тўғрисида махсус сертификат берилиши ҳам меҳнатимизга бўлган алоҳида эътибор, деб биламан. Бундан

педиатр вазифасида ишлаб келмоқдаман. Бўлиб ўтаётган ўқув семинарларидаги иштироким ҳар томонлама билим даражамни оширапти. Айниқса, тажрибали тренеримиз томонидан репродуктив саломатлик бўйича ўтказилган дарс машғулотлари фаолиятим учун катта қадам бўлди, десам, хато қилмайман. Биргина педиатрия йўналишида иш олиб борганлигим боис, тиббиётнинг ниҳоятда чуқур қирралари борлигини ва кундалик ҳаётимизда тизимнинг ўзига хос талаблари мавжудлигини янада англаб етмоқдаман. Ўтказилаётган ушбу ўқув семинарларида тажрибали тренерларимизнинг касбий маҳорати, муомала маданияти ва мавзунинг долзарб томонларини тушунарли даражада бизга етказиётганликлари юртимизда соҳа мутахассисларининг малакаси юқори эканлигидан далолат беради. Келгусида олган билимларим асосида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни муҳим вазифам, деб биламан.

Давоми 8-бетда.



«Salomatlik-3»
loyihasi №2
Проект
«Здоровье-3»



КАСБИЙ МАЛАКА САЛОҲИЯТИ ОШИРИЛМОҚДА



Зулхумор ЯҲЁЕВА,
Қибрай тумани Маданият қишлоғи фуқароси:

– Қибрай туман кўп тармоқли марказий поликлиникамизга янги русумдаги УТД аппарати келтирилганлиги ва аҳоли саломатлигига тўғри ташхис қўяётганлигини «Маданият» қишлоқ врачлик пунктидаги шифокорларимиздан эшитдим. Ва улар ушбу замонавий аппаратда соғлигимни текшириб келишим учун йўлланма беришди. Олдинлари ҳам бундай аппаратларни кўрган эдим. Лекин бу аппаратнинг кўриниши аввалгиларидан катта фарқ қилади. УТД врачлари Нигора Абдуллаева ички аъзоларимни текширгач, айримларида жиндек ўзгариш борлиги, лекин хавотирга ўрин йўқлигини айтди. Мен аввало, худудимиздаги ҚВП шифокор ва ҳамширалари ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникасининг тиббиёт ходимларидан жуда миннатдорман. Улар ҳам бахтимизга доимо саломат бўлишларини чин дилдан истаб қоламан.

Тошкент вилояти Қибрай тумани тиббиёт бирлашмаси фаолияти билан танишар эканмиз, Инвестиция дастури асосида амалга оширилган ишларни кўриб, ушбу шифо масканида оптимизация ишларига катта эътибор қаратилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, «Саломатлик-3» лойиҳаси томонидан рақамли рентген, УЗИ, ЭКГ, гастрофиброскоп аппаратлари ва бир қанча сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар мавжудлиги ва улар халқимиз саломатлигини асрашда хизмат қилаётганлигини кўриб, фаолиятлардан мамнун бўлиб қайтдик.

Зангиота тумани



Тошкент вилояти Зангиота туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида бўлганимизда, ўқув жараёни олиб борилаётганлигига гувоҳ бўлдик. Мазкур поликлиникада бир неча йиллардан буён фаолият олиб бораётган ЛОР шифокори, тренер Нурдона Мирсаматова билан суҳбатладик.

– 2009 йилда «Саломатлик-3» лойиҳаси доирасидаги ўқув семинарида иштирок этиб, тренерлик мақомини олдим. Мана шу кунга қадар ўқув семинарида олган билимларим ҳамда кўп йиллик тажрибам мисолида умумий амалиёт шифокорларини ЛОР йўналишида тайёрлаб келмоқдаман. Таъкидлашим муҳимки, дарс машғулотларини тингловчи-

ларга мукамал даражада етказиш учун «Саломатлик-3» лойиҳаси тақдим этган услубий қўлланмалардан, қолаверса диск вариантларидан тўлиқ фойдаланмоқдаман. Шу билан бирга, лойиҳа томонидан берилган йўналишга оид тиббий асбоб-ускуналардан тингловчилар интерфаол тарзда амалий жараёнларни биргаликда бажарадилар. Бундан ташқари, поликлиника-

мизга мурожаат қилаётган беморлар ҳам дарс жараёнига тақлиф этилди. Шу ернинг ўзиде тингловчилар билан биргаликда касаллик ташхиси аниқланиб, керакли тавсия ва маслаҳатлар берилди. УАШ амалиётида отоларингология масалалари бўйича олиб борган дарс машғулотларимизда касалликни аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ҳамда унинг профилактикасига кўпроқ эътибор қаратдим. Мақсадимиз умумий амалиёт шифокорларига ҳар бир йўналиш бўйича чуқур билим бериш ва уни аҳоли орасида татбиқ этишдан иборатдир.

Машхура ИКРОМОВА,
Зангиота туман кўп тармоқли марказий поликлиникасининг умумий амалиёт шифокори:

– Тиббиёт тизимининг узлуксиз таълим бўйича ўтказилаётган ўқув семинарлари билимларимизни янада бойитиб, аҳоли билан чуқурроқ ишлашимизга кенг имконият яратмоқда. Айниқса, мазкур ўқув семинарида «УАШ амалиётида педиатриянинг долзарб масалалари» мавзусидаги ўқув машғулотлари кўп йиллик тажрибам бўлса-да, тиббиётдаги маълум бир ўзгаришлар фаолиятимга янгилик олиб кирди. Бундан ташқари, ЛОР, репродуктив саломатлик, эндокринология йўналишларида ҳам чуқур билимларга эга бўлдим.



Албатта, кейинги йўналишлар кўрсатилаётган тиббий хизмат бўйича ҳам ўқув семинарларида сифатини оширишга ўз ҳисса-қисми қатнашиб, халқимизга самни қўшаман.

«Саломатлик-3» лойиҳасини татбиқ этиш марказий бюроси.
Ижрочи директор **Ж. ЖАБРИЕВ.**
100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 51,
Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, 3-қават.
Телефонлар: 268-08-19, 267-73-47.
268-25-39 (факс). E-mail: office@jpib.uz
Лойиҳа материалларини
Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Суратлар муаллифи **И. СОАТОВА,**
Ж. ЖАЛИЛОВ.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси жамоаси клиниканинг собиқ ходими

Рима Михайловна СОКОЛОВСКАЯнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Газета
муассиси:
**Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

Бош муҳаррир **Асилбек ХУДАЯРОВ**
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел./факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 6635 нусха.
Буюртма Г-558.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи **Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.**

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

